

Бақара сураси, 99-оят

05:00 / 25.10.2017 5167

Батаҳқиқ, сенга равшан оятларни нозил қилдик, уларга фақат фосиқларгина куфр келтирурлар. Бақара 99.

Аллоҳ таоло Қуръони Карим оятларини очиқ-ойдин, равшан қилиб нозил этган, уларни инсоф билан ўрганган ҳар бир инсон албатта иймон келтиради. Фақат фосиқ ва табиати бузуқларгина куфр келтиришади. Яҳудийлар ҳам ана шундай фосиқлардандир.

Кейинги ояти каримада яҳудийларнинг фосиқликларининг энг машҳур қирраларидан бири – аҳдга вафо қилмасликлари ҳақида сўз кетади.